

Риштон туманида ўқув семинари давом этмоқда

Маҳалла хотин-қизлар фаоли лавозимига сараланган номзодларнинг фаолиятга самарали киришиш учун талаб этиладиган билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида 1-сонли касб-хунар мактабида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинига танлаб олинган номзодларга маҳсус ўқув семинар бошланди. Унда Олий таълим ташкилоти вакили А. Аҳмедова ва туман ҳокими ўринбосари М. Бекмирзаева, туман Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Д.Додобоева, туман адлия, прокуратура, ички ишлар бўлимлари масъуллари иштирок этишади. Маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаолларига туман Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Д.Додобоева хотин-қизлар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва оиласвий маънавий-ахлоқий қадирятларни мустаҳкамлаш мавзусида тингловчиларга маъруза қилиб тушунчалар бериб ўтди. Семинарда хотин-қизлар фаолларига яхши ўқиб, олган билим, кўникмаларини маҳаллада синаш, қўллаш, эрта ажримни олдини олиш, маҳалладаги тинч-осуда ҳаётни барқарор сақлаш каби муҳим масалалар юзасидан тавсиялар берилади. Шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди. Йиғилишда берилган саволларга мутахассислар жавоблар беришади.

2022-04-28 13:18:33